

Мослашиш бўйича миллий ҳаракатларни режалаштириш: заифликни камайтириш ва қулай шароитлардан фойдаланиш

2019 йил 13-14 июнь Тошкентда “Ўзбекистонда мослашиш бўйича миллий ҳаракатлар режаси” мавзусида хорижлик экспертлар, иқлим ўзгариши бўйича мутахассислар жаноб Гари Роббинс ва Лорин Джианголахоним иштирокида семинар бўлиб ўтди.

Ўзбекистонда иқлим ўзгариши инсон ҳаётининг барча соҳаларига таъсир кўрсатиб, иқлим ўзгаришининг салбий оқибатларини олдини олиш ва янги турмуш шароитларига мослашиш учун кечиктириб бўлмайдиган чоралар кўришни талаб этмоқда. Шунинг учун 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича ҳаракатлар стратегиясида – “глобал иқлим ўзгаришлари ва Орол денгизи қуришининг қишлоқ хўжалиги ривожланиши ҳамда аҳолининг ҳаёт фаолиятига салбий таъсирини юмшатиш бўйича тизимли чора-тадбирлар кўриш” йўналиши белгилаб берилди.

Глобал иқлим ўзгариши ва глобал илишга мослашиш – бу табиий ва антропоген тизимларнинг ҳозирда кузатилаётган ва кутилаётган иқлим ўзгаришларига жавобан заифликни камайтирувчи ва қулай шароитлардан фойдаланишга имкон берадиган мослашувчанлигидир.

Миллий иқтисодиётни янги иқлимий шароитларга мослаштиришга қаратилган чора-тадбирлар биринчи навбатда фавқулодда вазиятлар, аномал иссиқлик, совуқ, қурғоқчилик, кучли ёғинлар, сел, тошқин каби хавфли ҳодисаларга мослашишга йўналтирилган. Асосий мослашиш чоралари сув хўжалиги ва қишлоқ хўжалиги, энергетика, ўрмон хўжалиги, саноат, транспорт ва коммунал хўжалик каби тармоқларда амалга оширилмоқда.

Семинарда иштирок этиш учун Гидрометеорология хизмати маркази (Ўзгидромет), Фавқулодда вазиятлар вазирлиги; Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги, «Ўзбекэнерго» АЖ, Соғлиқни сақлаш вазирлиги; Сув хўжалиги вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Иқтисодий тадқиқотлар маркази; Прогнозлаштириш ва макроиқтисодий тадқиқотлар институти, Ўрмон хўжалиги давлат қўмитаси; USAID вакиллари таклиф қилинди.

Семинар давомида халқаро амалиёт ва тажриба асосида мослашиш режаларини ишлаб чиқиш ҳақида маълумот берилди ҳамда миллий мослашиш режаларини такомиллаштириш ва режалаштириш масалалари муҳокама қилинди. Бундан ташқари бундай режаларни ишлаб чиқишда ва молиялаштиришда устувор йўналишларни аниқлашга алоҳида урғу берилди.

Тадбир маълумотлар тақдими ва иштирокчилар билан муҳокама тарзида кечди. Семинар иштирокчилари гуруҳларга бўлиниб, мослашиш бўйича миллий ҳаракатларни режалаштиришга доир масалаларни кўриб чиқдилар. Семинарда тақдим қилинган маълумотлар иқлим ўзгаришига мослашиш бўйича амалга оширилаётган чора-тадбирлар кўламини кенгайтиришга хизмат қилади.

Национальное планирование действий по адаптации: уменьшение уязвимости и использование благоприятных условий

13-14 июня 2019 года в Ташкенте состоялся семинар «Национальное планирование действий по адаптации в Узбекистане» с участием международных экспертов г-н Гари Роббинс и г-жи Лорин Джиангола, специалистов по адаптации к изменению климата.

Изменение климата в Узбекистане оказывает влияние, без преувеличения, на все сферы человеческой жизни и требует немедленных мер по предотвращению негативных последствий климатических изменений и адаптации к новым условиям жизни. Именно поэтому в Стратегии действий по пяти приоритетным направлениям развития Республики Узбекистан в 2017 - 2021 годах определено направление – «Принятие системных мер по смягчению негативного воздействия глобального изменения климата и высыхания Аральского моря на развитие сельского хозяйства и жизнедеятельности населения».

Адаптация к глобальному изменению климата и глобальному потеплению - это приспособляемость естественных или антропогенных систем в ответ на реальные или ожидаемые климатические изменения, которая позволяет уменьшить собственную уязвимость и использовать благоприятные условия.

Меры по адаптации национальной экономики к новым климатическим условиям направлены, прежде всего, на адаптацию к чрезвычайным ситуациям и опасным явлениям, таким как аномальная жара, холод, засуха, ливневые дожди, сели, паводки и другие. Основные меры по адаптации осуществляются в таких отраслях народного хозяйства как, водное и сельское хозяйство, энергетика, лесное хозяйство, промышленность, транспорт и коммунальное хозяйство.

К участию в семинаре были приглашены представители Узгидромета, Министерства по чрезвычайным ситуациям, Министерства экономики, Министерства финансов, АО «Узбекэнерго», Министерства здравоохранения, Министерства водного хозяйства; Центра экономических исследований при Администрации Президента Республики Узбекистан, Института прогнозирования и макроэкономических исследований, Государственного комитета Республики Узбекистан по лесному хозяйству, USAID и другие.

На семинаре была представлена информация по вопросам разработки адаптационных планов, с особым вниманием к наилучшим международным практикам и опыту, а также обсуждался вопрос развития и планирования национальных адаптационных планов. Особое внимание было уделено определению приоритетов в разработке мероприятий по адаптации и финансированию национальных адаптационных планов.

Мероприятие прошло в формате представления информации и последующего обсуждения участниками семинара по итогам работы в группах. Представленная на семинаре информация для широкого круга специалистов будет способствовать более широкому распространению адаптационной активности в контексте уже наблюдаемых и ожидаемых в будущем климатических изменений.





